



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг лугат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан).

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 25-noyabr, chorshanba ★ № 42 (1206)

## МУШУК МУРИЛЛАЙДИМИ Ё ХУРИЛЛАЙДИ



Хар ишнинг ўз устаси бўлади, хар соҳанинг пири. Одам ишни шогирд тушиб ўрганади, йиллар давомида устоз даққисини эшитиб маҳорат касб этади. Ахйир, бир хунарнинг етук вақилига айланади, устози унга фотиҳа бергач иш бошлайди. Биз эса хар мақомга йўрғалашга тушади. "Пуллик мактаб очмоқчиман, лицензия беринлар"; "шифокорлик қилгим келади, ижозат керак", деган билан шу ишлар бўлиб қоладими?

⇒ 3-бет

## "ПАХТА ҚҲЙИШ" ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА...



Бутун бошли нашрни "Ҳокимнинг 40 кунни" деган биргина мақола билан тўлдириб, газета чиқаришни қардан ўргангансиз? Президентларга ҳам бунчалар бағишлов бўлмас-ов.

Барака топгур, сал қўйиб берайлик, 40 кунлик ҳоким ҳали... Бироз ишласин, ўзини кўрсатсин, ишончли оқласин! Кейин кўкларга бир чиқазиб қўйсангиз, бўралатиб сўксангиз ҳам, ўзи ерга тушмайди...

⇒ 4-бет



## СОКИН ТУЙГУЛАР ТУҒЕНИ

Ҳикоядаги ота-болалар тўқнашуви фақат турли ёшдаги одамлар қарашларининг қарама-қаршилиги эмас, аслида даврнинг, жамиятнинг зиддиятлари эканлигини уйлаймиз. Боланинг мактабда домлардан эшитганлари, кўрганлари, китобларда ўқиганлари ўз ҳаётида кечаётган воқеалар зиддиятга киришади. Уларни англашга ҳаракат қилади. У шу зиддиятлар оламида улғаяди.

⇒ 5-бет

## АНЖУМАН

### Мақсад аниқ, ҳаракатда ҳамоҳанглик бўлсин

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Андижон вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган навбатдаги минтақавий конференция "Давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мақоми остида журналист бурчи ва масъулияти" мавзусига бағишланди.

Конференциянинг кун тартиби давлат тилининг такомиллашувида бугунги кун журналисти нимага эътибор қаратиши лозим, айниқса, телевидение, интернет сайтларида фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимизнинг ўзбек тилига бўлган шахсий дахлдорлик туйғусини ошириш, бу борада адабий сўзлашув меъёрлари, лугатшунослигимиз олдида турган қатор масалаларга қаратилди. Зеро, мақсад аниқ бўлса, илгари сурган вазифаларимиз ҳам осон ечим топади.

Биз манзилга етиб бордик ва масъул вакиллар ҳамда Андижон вилоятида фаолият олиб бораётган ҳамкасб-журналистлар билан Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби сари йўл олдик.

"Бу опа шу мактаб директори Шоҳистахон Нурматова бўлади-лар, опа бу йил давлатимиз раҳбари томонидан "Соғлом турмуш" медал билан мукофотланди", — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлими раиси Назиржон Саидов. — Шоҳистахон опа пойтахтдан меҳмонлар келишар экан деган хабарни эшитгандан бери ижод мактаби ўқувчилари фаоллар залида бизни кутиб туришганиларини айтиб, йўл бошладилар.

Киришимиз билан залда баҳру байт бошланди. Ўқувчилар томонидан элимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Нечун куллуқ қилмай Андижонга мен...", "Мен дунёни нима қилдим, ўзинг ёруғ жаҳоним", "Ватаним" сингари шеърлар кўтаринки руҳда ўқилди.



Кейинги пайтларда, асосан, халқаро можаролар, космосга парвоз, буюқ қурилишлар, шов-шувли воқеалар ҳақида кўпроқ гапирлиб, замондошларимиз: одам (физиологик мавжудлик сифатида) ва инсон (ижтимоий мавжудлик сифатида) тўғрисида кам фикр юритилган бўлиб қолди. Ҳисоботлар, мақолалар гиж-гиж рақамлар билан тўла, уларда одам меҳнатининг симфонияси, инсон ички кечинмаларининг тўғёнлари деярли учрамайди. Аслида, астрономлар ер ўзи атрофида айланади, дейдилар. Файласуфлар эса ер инсон атрофида айланади, яъни инсон коинот гултожи, дейдилар. Албатта, биринчи қараш соф илмийликка асосланган бўлиб, дунёни мантиқий тафаккур орқали тушунишга йўл очади, иккинчи мушоҳада эса афкор омманинг ҳар бир аъзосини шу қавм (одам, инсон) вакили сифатида борлиқни образли тафаккур билан идрок этишга ундайди. Биринчи йўлдан борган олимлар ва ҳақимлар моддий оламнинг минг турли ўзгаришларининг ички қонуниятларини кашф этдилар ва оқибатда инсон коинотга парвоз қилди, бошқа оламшумул кашфиётлар юзага келди. Иккинчи йўлдан борганларга майдон яна ҳам кенг эди, негаки, тафаккур забт эта олмаган кенгликларни хаёл кашф этиш қудратига эга эди. Шунинг учун баъзан илм ожизлик қилган ўринларда хаёлга, фантазияга мурожаат қилинади. Хаёл эса ер куррассани қафтимизда бир дон аenor каби намоеён этиш қудратига эга.

## НУҚТАИ НАЗАР



### ҚАЛЪ БЕДОРЛИГИ

#### Буюқ Уйғонишга олиб боради

Ернинг яралиши ва унинг Галактикада намоеён бўлиши миллиард йиллар билан ўлчанади. Биз буюқ Хаёл қудрати билан бу миқдорни инкишоф эта оламиз ва айтмоқчи бўлган фикримизни шу ўлчамда акс эттирсак, моҳият ёрқинроқ намоеён бўлади, деган тухтамга келдик. Шундай қилиб, энг одми йўлдан бориб, Замон – Макон - Инсон ул-

лигини назарда тутиб мулоҳаза юритсак, дастлаб ҳали хаёл ҳам қамраб олишга ожиз, яралиши олдида Куёш ҳам анча "ёш" бўлиб қоладиган Вақт (замон; ҳозирча бўшлиқ ҳолатида) мавжуд эди. У "бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди", бу ҳикमत абадий мавжуд, қолаверса, у абадийликнинг айнан ўзи. Барча жараёнлар унда кечади,

яшайди — йўқ бўлади, қайтадан дунёга келади. Ҳали унинг қонуниятлари, қолаверса, мавжудлик ҳадди ва чегаралари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳам йўқ. Ер одами қўлга киритган илмлар бошқа Галактикалар ҳам борлигини фарз қиларди, холос.



## ГАПЛАШАДИГАН ВАҚТЛАР

### КУРТАКДА ДАРАХТНИ КЎРМОҚ

ёхуд китобхон олдидаги масъулият туйғуси ҳақида шоир билан суҳбат



Бугун Адабиёт ҳақида, Шеър ҳақида, Китоб ҳақида гапириб одамни ўйлар гирдобига ташлайди. Бу тушунчаларнинг қиймати ҳам хақ наздида бироз султангадек туюлади. Шу учун китоб ёзаётган ва ўқийётган орасидаги руҳоний ришта бирмунча мўртлашганга ўхшаб кўринади. Бугун суронли бир даврда бу ҳолатларни шоир ёхуд ёзувчи қандай бошдан кечирмоқда? Унинг ўз замондошига айтмоқчи бўлганлари асаргача ёки асардан кейин қандай қиёфа касб этмоқда? Шу каби мулоҳазалар доирасида шоир, таржимон Вафо Файзуллоҳ билан суҳбатга чоғландик.

Суҳбатдошимиз ҳақида: 1963 йилнинг 27 июлида Қармана туманидаги, Тоғузсар қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида ва Москвадаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсида таҳсил олган.

"Хут" (1993), "Хабарсиз севинч" (1997), "Ману лаъза" (2000), "Жон йўли" (2008), "Азалий гушса" (2013), "Оқ лойлак", "Қоядаги дафтар" (2020) шеърли, "Чақмоқ ёруғи" (2012) насрий китоблар муаллифи. Ижодидан намуналар хоржда нашр қилинган. Ф. Кафканинг "Жараён" романини, "Отамага хат" эссесини, М.Метерлинкнинг "Сўқирлар" драмасини, Г.Г.Маркеснинг "Толқоникка ҳеч қан хат ёзмайди" қиссасини, Х.Борхес, К.Хамсун, Р.Акутагава, Ч.Айтматов ҳикояларини, Ш.Бодлер, П.Верлен, А.Рембо, И.Буни, Н.Гумилев, И. Бродский ва М.Цветаева шеърли туркумларини ўзбек тилига таржима қилган.

— Бугун дунё, замон жуда тезлашиб, "иччамлашиб", ахборотлашиб бормоқда. Ана шун-

дай паллада шоир, ёзувчи нима қилмоғи керак? — Дарҳақиқат, бундай тезлашув, ахборотлашувни инсоният шу пайтагача ҳеч қачон бошидан кечирмаган. Асрлар давомида бир хил тарзда кечган ҳаёт бугун афсонадай туюлади. Вақтда барака бўлган. Эндиги жараёнларда эса воқеа устига воқеани, ахборот устига ахборотни қалаштириб кишини шошириб қўймоқда, чалғитмоқда ҳам, бир зум ўтмасдан эса талай ҳодисотлар эскириб, унутилиб кетаяпти. Бир воқеликни идрок қилиб бўлмасдан иккинчиси кўз-кўзлашга ўтилади, бу тигизлик ва тезкорлик, алмашувнинг пайдар-пайлиги ҳатто руҳиятни ҳам чарчатиб, унинг ҳаловатини сўриб олмақда. Бироқ буларнинг ҳаммасига қарамай, азалий кадрят ва мезонлар, кўшнинг чиқиси ва ботиши каби инсоннинг қисмати, Ҳақнинг амри ва қайтарилари ўша-ўша. Сирдан шакли-шамойили ўзгачароқ товлангани билан моҳиятан ўзгармаганига иймон келтирасиз. Фақат буни ботинан сезмоқ, фарқ қилмоқ, англамоқ мушкуллашганига иқдор бўлмасдан илжой йўқ.



## ОҒРИҚ

1989 йилнинг 21 октябрида мамлакатимизда "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши кўпчилик учун кутилмаган, лекин халқимизнинг асрий орзуси ушлаган кун бўлган эди. Истиқлолга эришганимиздан кейин эса ўзбек тили давлат тили сифатида устувор имкониятларга эга бўлди. Аммо ...

Пандемия туфайли карантин чоралари белгиланишидан олдинроқ эди. Ўлкамизга сайёх сифатида келган испаниялик журналистлардан бири билан танишиб қолдим. Исми-шарифи Федерик Гарсия, Ўзбекистонга биринчи келиши экан. Биргаликда Тошкентнинг гузал ва тарихий жойларини айландик. Кейин у Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хивага сайёҳат



Ўпка ёки Калтапўстин деган жойни-чи, биласизми?

қилди. Икки ҳафтадан кейин яна Тошкентда учрашдик. Унинг сайёҳ таассуротлари бир олам эди. Кўрганларини завқ-шавққа тўлиб гапириб берди. Фақат сўз орасида "Нима, сизларда рус ва инглиз тиллари ҳам давлат тили

ҳисобланганими?" — деб сўраб қолди. Табиийки, унга ўзбек тили давлат тили эканлигини, барча ишлар ўзбек тилида олиб борилишини, шу билан бирга юрти-мизда рус ва инглиз тилини ўрганишга эътибор берилишини

айтдим. "У ҳолда шаҳарларингиздаги корхоналар, дўконлар, маиший хизмат уйлари номлари, рекламапарнинг аксарияти нега рус ва инглиз тилларида ёзилган?"



## ШУНДАЙ ДЕДИ

Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси:

Сенат ва Қонунчилик палатасининг ялли мажлисида шу масала бўйича вазирларнинг ҳисоботларини эшитамиз. Нима учун президент ислохотлари жойларга етиб бормаяпти? Мана шу саволга жавоб олишимиз керак. Мутасаддилар жавоб берсин. Маблағдан муаммо йўқ-ку? Ҳеч қандай муаммо йўқ. Нега у (газ ва электр энергияси) жойларга етиб бормаяпти? Нима учун халқ биздан норози? Биз буни тез кунларда кўриб чиқамиз. Биз ялли мажлисни ҳам кутиб ўтирмаймиз, тезда ахборот берамиз. Давлат раҳбарига албатта бу масала бўйича ахборот берамиз.

Манба: Kun.uz



# Ҳасанқовок қишлоғи қаерда?

## Ўпка ёки Калтапўстин деган жойни-чи, биласизми?

1 Уларни ўзбек тилида ёса бўлмайди? Тил ўрганиш учун бундай қилинмайди. Бу давлат тилига, миллатга, халққа нисбатан ҳурматсизлик, бизда эса хиёнат ҳисобланади, деди у.

Меҳмон ҳақ эди. У биз ҳар кун кўп марта-лаб юзма-юз келадиган, ахборот ва матбуот саҳифаларида доимо бонг урадиган, аммо ҳаётда амалий ёчим топилмаётган жиддий муаммага эътиборни қаратганиди. Тошкент шаҳрининг хоҳлаган кўчасидаги ёзувларга — хусусий корхоналар, баннерларга бир назар ташланг. Ҳар қадамда “Beauty salon”, “La Perla Cosmetics”, “Golden River”, “Dark hall”, “Elegant”, “Creative Master”, “Viva”, “Savio”, “Star Med Center”, “Avisa Med Servis”, “Salus Vita” ларга дуч келасиз. “Mini market”, “Pich market”ларнинг эса сон-саногани йўқ. Шулар қаторида аксарият биололарнинг пештоқлари “Дверь”, “Центр обуви”, “Учебный центр”, “Подготовка абитуриентов”, “Языковые курсы”, “Дошкольное обучение”, “Зеленый базар”, “Срочное фото”, “Цветная печать” каби рус тилидаги номлар билан безалган. Ошхоналар номи ёнидаги “миллий таомлар”, “мульти таомлар”га, палов деган ном “плов”га айланган. Юрти-мизнинг “Ўзбекистон” деб аталган гўзал номи эса “Ўзбекистон”га айланб улгурди.

Эндликда инглиз, рус тилидаги номлар ёнига немис, француз, корей, хитой ва бошқа тиллардаги турли-туман атама-лар ҳам келиб қўшилмоқда. Хуллас, пойтахтнинг хоҳлаган кўчасига кирсангиз, 50-60 фоиз хорижий тиллардаги, 30-40 фоиз ўзбек тилидаги номларга, атама-ларга, шорларга дуч келасиз. Узингизни Тошкент шаҳри кўчаларида эмас, Париж, Лондон, Москва шаҳарлари кўчаларида юргандек ҳис қиласиз. Гўё юртимизда ўзбек тили эмас, бошқа тиллар давлат тилига айлангандек таассурот туғилади.

Нафсиланбўрини айтганда, бундай афсусларни ҳолат нафақат мамлакатимиз пойтахтида, балки республикамизнинг барча вилоятлари, улардаги шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқларда ҳам давом этмоқда. Турли жойларга борсангиз кўп-кўп “СНР GOLD EXCLUSIVE”, “La Femina”ларни, ўнлаб “Ravnaq Textil”, “Лавида траст”ларни, юзлаб “Траст инвест”, “Глобал”, “Elizabeth industrial Softely”, “GREEN AGRO EXPORT”ларни ва бошқа гаройиб номларни кўрасиз. Яқинда Хива шаҳрига бордим. “Ичон қалъа”да сайёҳлик тизими учун яратилган имкониятларни кўриб хурсанд бўлдим. Афсуски, бу ердаги ресторо-лар, маиший хиз-мат уйлари, хусусий меҳмонхона-лар номларининг аксарияти давлат тилида эмас, хорижий тилларда битилган. Гўё “Ичон қалъа” ўзбекистонда эмас, Европада фаолият юритаётгандек. Ёки республикамизнинг олис нуқта-сидаги қишлоқлардан бирида тадбиркор ака-миз дўконини “Rich market”, ошхона-сини “Schloss”деб номлабди. Ундан бу номларнинг маъносини сўрадим. “Билмайман, — деди у. — Бу номлар кўзимга чиройли кўринди. Ёзиб боргандим. Юқори ташкилотлар тасдиқлаб беришди. Шундан кейин номларни ёздириб кўзавердим”.

Мана, сизга жойларда давлат тили ҳақидаги қонунга “эътибор”, ана сизга она тилимизга нисбатан “муносабат”, “хурмат-эҳтиром”. Собиқ шўролар даврида юртимизда бирор янги корхона, муассаса, майдон ёки кўча барпо этилиб, унга ўзбекча ном бериш тақдирини айтганда, бундай тақдир билдирганлар миллатчилигида айбланар, ўша барпо этилган янги маскан ёки ташкилот рус тилидаги ном билан аталарди. Энди эса мустақил мамлакатимиз, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган. Кўп-кўп янги корхоналар, иншоотлар, маиший хизмат уйлари, муассаса-лар кураямиз. Бироз бизга уларга ундай ёки бундай ном бер, деб буйруқ бериб беришди. Лекин биз ўз хоҳи-шимиз билан юртимиздаги янги масканларни хорижий ном-лар билан атаб ётибмиз. Оёғимиздаги занжир ҳеч ёчим-лаётганига ачинасан киши.

Эътибор беринг, бугунги кунда ўзини ишбилармон атайдиганлар шахсий маблағларига ресторо-ан, маиший хизмат уйи, дорихона, дўкон, кичик муассаса ёки бирор хусусий корхона, фермер хўжалиги шифохона ва хожа-зо-ларни барпо этмоқда. Уни хоҳлаган хорижий номда атаб хўжатлаштирмоқда. Хорижий номда аталган янги масканларнинг, корхоналарнинг низо-мларини эса республикамизнинг тегишли вазирлиқлари, вилоятлари, шаҳарлари, туманларида фаолият юритаётган мутасад-дилар ҳеч бир қаршилликсиз рўйхатдан ўтказиб бермоқда-лар. Албатта, келишув асосида.

Шундай экан, хусусий муассасаларга қўйилаётган бун-дай номлар тўғрисида, давлат тили қонунига амал қил-маслик ҳолатлари ҳақида ишбилармонларни кўтаринг, давлат ташкилотларида ўтирган мутасаддилар ҳам ўй-лаб кўришмайди. Гўё ном ажнабий бўлса, одамлар ко-ву-шини кўтариб чопиб келадигандек, нафақат мутасадди-лар, ҳатто уларнинг фаолиятини назорат қиладиган ви-лоятлар, шаҳарлар, туманлар, вазирлиқлар раҳбарлари ҳам бу муаммага мутлақо эътибор қаратаётгани йўқ. Жой-ларда ном қўйиш билан боғлиқ давлат тили қонунчи бузи-лишлари йилдан-йилга болалаб бормоқда.

Бундай жараёнда, миллатимизга зид бўлган турли фи-крларнинг, ажриқ каби ер ёриб чиқиши турган гап. Ўтган йили бир гуруҳ кимсаларнинг “Ўзбекистонда бир тили эмас, икки тили давлат тилига айланмайлик”, деган тақлиф билан чиқишлари ҳам юртимизда Давлат тили ҳақидаги қонунга тўла амал қилинмаётганини кўр-сапти. Бу тақлифга зиёлиларимиз кескин қарши чиқди-лар. Бу яхши, албатта! Лекин амалда-чи? Ахир амалда жойларга, масканларга, ҳатто бир-икки тилда эмас, тўрт-беш тилда ном бериб ётибмиз-ку! Бу тўрт-беш тил қону-ний асосга эга бўлганда ўзбек тили давлат тили эмас де-гани эмасми?

Айни пайтда давлат тилига эътиборсизлик, унга амал қилмаслик, она тилимизга ҳурматсизлик нафақат бугунги ёзув маданиятимизда, балки оғзаки мулоқотлар, кунда-лик фаолият тарзимида ҳам яққол сезилиб туради. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Яқинда вилоятлар-дан биридаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўшма корхонада бўлдим. Корхонада хитойлик мутасад-сислар ҳам ишлар экан. Улар билан сўхбатлашши мақса-дида таржимонга мурожаат қилдим. Таржимон “Улар рус тилини билишди, бемалол гаплашаверинг”, деди. Хи-то-йликлар билан сўхбатимиз рус тилида бўлди. Сўхбат якунида улардан “Бу тилин қаерда ўргандингиз?” — деб сўрадим. “Шу ерга ишга келганимиздан кейин ўргандик”, дейишди. “Ўзбек тилини ўрганиш қийинми?” — сўрадим улардан. “Йўқ, қийин эмас, — дейишди улар. — Лекин бу ерда рус тилида гаплашади. Шу сабабли бу тилини ўр-ганишга мажбур бўлдим. Ўзбек тилини билишга қизиқа-миз. Аммо жонли мулоқот қиладиган одам йўқ”. Уятдан ер ёрилмадию, ерга кириб кетмадим. Наҳотки, ўзбекистон-даги корхонада ўзбек тилида мулоқот қиладиган одам бўлмаса, ўзбекман деган ҳар бир фуқарога, яъни фақирга уят эмасми, бу.

Корхонада ишлайдиганларнинг миллий тарихи билан қизиқдим. Уларнинг 90 фоизи миллатдошларимиз экан. Мен бу ҳолатни нима деб шарҳлашни билмайман. Бар-бир го-ялар курашида миллий руҳ голиб келади. Бунга вақт керак.

Тошкентда бўлаётган халқро аюанманларда, теле-экранларда хорижлик элчиларнинг, олимларнинг, сай-ёҳларнинг ва турли касб эгаларининг ўзбек тилида ра-вон гапираётганини кўриб, тилимизнинг жозибасидан, унинг халқро микёсда эътироф этилаётганидан, бошқа халқлар вакилларининг хурмат-эътиборидан қалбимизда гурур, ифтихор уйғонади. Тилимизга нисбатан бундай эътиромдан фахрланамиз, аммо мамлакатимизда 50-60 йил, ҳатто бугун умр яшаб, ўзбек тилини мутлақо бил-майди-ганлар, ростки, билишни истамайди-ганлар, давлат тилини писанд қилмайди-ганлар борлигидан кунглимизда оғриқ пайдо бўлади.

Бунга, биринчи навбатда, ўзимиз айбдоримиз. Бизнинг меҳмондўстлигимизни, тавозеимизни кимлардир мутелик деб тушуноқда. Қўлимизни кўксимизга қўйиб саломлаш-сак, улар бош эгиш деб билмоқда Келинг, ўз она тили-мизни, аввало, ўзимиз хурмат қилайлик. Бугун ўлкамизда одамлар ўртасидаги мулоқотларда, аюанманларда хори-жий тилларнинг устувор бўлиши, юртимиздаги ташкилот-



лар, муассасалар, фермер хўжалиқлари, корхоналарга чет тиллардаги номларнинг қўйилиши давлат тили ҳақи-да қонунчи менсимаслик билан бирга, тилимизга нисба-тан ҳурматсизликнинг амалий кўринишлари ҳамдир.

Шундай пайтда ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, ижти-моий ҳаётимизда давлат тили тўғрисидаги қонун билан боғлиқ бундай камчиликларнинг юзга келаётганини мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органи — Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси ва Сенатидошлар, қонунлар ижроси билан шуғулланадиган Вазирлар Маҳкамасидаги-лар билишмайдими? Билишди! Нега улар жим?!

Бу хусусда ҳақ ва адл сўзни айтиш яна Президентим-из зиммасига тушди. Ўтган йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йил-лига бағишланган маросимдаги маърузасида мамлака-тимиз раҳбари “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонуни асосида юртимизда қўлга киритилган ют-уқ ва камчиликларга ҳақоний баҳо берди.

“Юртбошимиз: “Давлат тили масаласи миллий гоъми-зинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур”, деган фикрни ўртага ташлади ва бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни кескин танқид қилди. “Афсуски, — дей-ла-ди маърузада, — жамоат жойларида, кўчаларда, бино-лар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва ре-кламалар қўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга бе-писандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради”.

Айни шу маърузада: “Ҳар биримиз давлат тилига бўл-ган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва са-доқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қонда-си айлантиришимиз лозим”, деган сўзлар ҳам алоҳида таъкидланди.

Давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилмаслик ҳо-лати ёхуд бу соҳадаги камчилик фақат корхоналарга, муассасаларга ном бериш, рекламаларни ёзиш жа-раёндагина эмас, жойларнинг топонимик номларини белгилаш борасида ҳам кўзга ташланади. Бир гал Са-марқанд вилоятига хизмат сафари билан борганимда Нуробод туманида ажабтовур ҳолатга дуч келгандим. Туман маркази Нуробод шаҳарчасидан фарб томонга бораверишда бир қишлоқ бор экан. Йўлнинг чеккаси-да бетонли кўрсаткича қишлоқ номи битилган: “Мусо қоқ”. Кўрсаткичнинг иккинчи томонида шу ном рус ти-лида “Муса как” деб ёзилган. Чаласаводлик сабаб “Мусо қоқ” қишлоғи рус тилида “Мусо қандай?” қи-шлоғи айланб қолганди. Олимларимиз, соҳа мутасад-дилари қачон эътиборли бўлишаркин-а?!

Маълумотларга кўра, географик объектларни номлаш ва уларни ўзгартриш масалалари бўйича баъзи ҳуду-дий комиссияларнинг аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктла-рининг тарихий қисмларини номлашдаги фаолияти та-лаб даражасига мутлақо жавоб бермас экан. Масалан, Андижон вилоятида ҳудудий комиссия тавсиясига муво-фиқ Ҳасанқовок, Асфалъ, Гараж, Стадион, ДАН орти, Хи-рабек, Чойфуруш каби аҳоли пунктлари пайдо бўлибди. Жиззахда эса янги турар-жой масканлари Жанон, Пу-чугой, Чақир-Чукур сингари номларни кўриб, ол-а, Қалам қоши йўқимкин, деворганингни билмай қолсан.



Самарқанд вилоятидаги комиссия аъзолари эса ном қўйишда ҳаммадан ошиб тушган. Вилоятда Чигирт-кали, Ўпка, Тентак, Энамяхши, Дамқорин, Кампирўлди-булоқ, Галақасооб, Йўғонтаёқ, Райимқулқуса, Калтапў-стин, Мирзабачча каби номдаги аҳоли пунктларига қараб қулишининг ҳам, йиллашининг ҳам билмайсан. Сурхон-дарёдаги аҳоли пунктларига эса Қизил дехқон, Газқўча, Химия, Шағал, Пуштиварақ, Кекирдак сингари янги ном-лар берилибди. Бундай “антиқа номлар”ни кимлар ўйла-б топар экан-а?!

Уз-қу, саводсизлик, нодонлиқнинг чегараси йўқ экан-да! Шуларни эшитиб, кўриб, ўйлаб қолсан, наҳотки, бугунги кунда янги жойларга шундай ном-лар бериш мумкин бўлса? Агар улар объектларга берилган эски номлар бўлганида ҳам бу номларни давр талаб нуктаи назаридан янгиликларга алмашти-риш керак-ку! Ахир эндликда ашаб турган қишлоқлари-миз Қизил дехқон, Ўпка, Тентак, Йўғонтаёқ, Галақасооб, Дамқорин каби номлар билан атаб бўладими? Ёки овул-ларимизга Пучугой, Жанон, Мирзабачча каби номларни бериш уят эсасми? Бундай ҳолатлар “Давлат тили ҳақи-да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ҳамда урф-о-датларимиз, аънаъларимиз, тарихий қадриятларимизга ҳам мутлақо зиддир.

Шунинг учун эндликда географик объектларга ном берадиган жойлардаги ҳудудий комиссияларнинг фа-олиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ўзгартриш керак. Мамлакатимиз Президентини “Миллий ўзгичиш ва му-стақил давлатчиликимиз тисмоси” деб аталган маъруза-сида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: “Жамияти-мизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақиқий эътирозларга сабаб бўлаётган мазву — бу жой ном-ларини белгилаш масаласи, десак, ҳато бўлмайди. Чунки ижтимоий объектларга ном бериш — бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига ҳоқ ме-зондир. Бунга ҳеч қачон, ҳеч қачон унутмаслиги керак”, дея таъкидлаган эди.

Донишмандлар “Тил — миллатнинг кўзгуси” дея унга ниҳоятда улуг таъриф берганлар. Шундай экан, бу улуг-лик даражасига мувофиқ иш тутайлик. Миллатнинг тиниқ кўзгусига гўбор туширмайлик!

Камол МАТЌЌУБОВ.

## ИЖОДИЙ САЁХАТ Водийдан эсган шабада

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги режасига кўра, вилоятда фаолият юритиб келаётган бир гуруҳ ОАВ вакиллари туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида ишодий сафарда бўлишди.

Богдод туманида “Ишчи гуруҳ” ташкил этилган. Ҳокимликка 600 дан ортиқ фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар айнан “Ишчи гуруҳ” аъзолари томонидан ўрганилиб, янги хонадонлар белги-ланган мезонлар асосида, яъни ёлғиз оналар, кўпчилик истиқомат қиладиган оилалар ҳамда имконияти чекланганлар учун ажратиб берилган.

Шунингдек, Фарғона вилоят ҳокими ташаббуси ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга жавобан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан туман-даги Гулистон йўлдош шаҳарчаси ҳуду-дида жами 21 та кўп қаватли уй-жой ку-рилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчи-лари туманда ташкил этилаётган янги боғни бориб кўрдилар. Тадбир сўнгига вилоят журналистлари Бағдод тумани хо-ким Алибек Турсунов билан бўлган мат-буот анжуманида уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Маъруфа СОЛНЕВА, “Hurriyat” мухбири.

## ҚУЛАЙЛИК Вақт мазмунли ўтади

Пандемия шароитида аҳолига, ай-ниқ, усмир-ёшларга қулайлик яра-тиш мақсадида Навоий вилояти ҳу-дудида 48 та болалар майдончалари қуриш ва 46 тасини таъмирлаш, 7517 метр квадрат пивдалар йўлақларига бетон қоплама ётқизиш, шунингдек, кўча ёриткичларини янгилаш ҳамда маъмурият урғуларини қиш маъсулуга тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан қарийб 5,3 миллиард сўм малаба ажратилган эди.

— Ҳозирча туман ва шаҳарларда 43 та болалар майдончаси қурилиб, фойда-ланишга топширилди. Айни кунда Учқудуқ туманида 5 та болалар майдончасининг қурилиши якунланган арасида, — де-йди “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъ-миноти объектларини қуриш бўйича инжи-рининг компанияси” ДУК вилоят филиали бошлиғи Анвар Бўриев.

Шу қунарда мазилли дастурга асо-сан Навоий вилояти ҳудудида пивдалар йўлақларига бетон қоплама ётқизиш, кўча чирокларини ўрнатиш ҳамда ирри-гация тармоқларини тўлиқ таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Оттабек АСЛОНОВ, Навоий вилояти.

## ИБРАТ

Дарҳақиқат, шундай одамлар бўла-дики, бир ишнинг, бир касбнинг бошини тутдим, унга бутун борлигини бағиш-лайди. Ҳабибулла домла ҳам ана шундай инсонлардан. Туманда намунали мактаб бор, деб кўп эшитгандим-у, аммо бориб кўриш насиб қилмаганди. Хизмат юзаси-дан туман халқ таълими бўлимида бўл-ганимизда, мудир Ўткир Орипов: “Агар вақтинча бемалол бўлса, бир ибратли манзил бор эди”, деб қолди. Розилик билдирдим.

Туманинг чекка мактабларидан би-рига борганимизда шаҳардаги қолши-майдиган шароитни кўриб, очиги қойил қолдик. Бунақаси пойтахтда ҳам кам уч-райди.

— Биласизми, айримлар ўзи ишлайдиган фан кабинетини талаб даражасида жиҳоз-лашга ҳам ҳафсала қилишмайди. Устоз Са-марқанд давлат университетининг тарих фа-кулъетини туғатиб, шу мактабга келгандан буён ўзи туғилиб ўсган тоғли ҳудуд ўтмиши ва бугунини акс эттирувчи мулоқот қи-лишим керак, деб юрарди. Гулобод қишлоқ оқ-соқоллари, дўстлари билан маслаҳатлашди. Аммо 1981 йили Шўрчи туманидан янги Ол-тинсой тумани ажралиб чиқди. Бу ҳам усто-знинг эзгу ишларини бироз орқага сурди, — дейди мактаб директори Аминжон Абдуали-мов. — Хуллас, кўпчилик бу тақдирга бош қўшди. Йиллар давомида қурилиш материал-лари тўпланди. Ҳабибулла ака ўзи ва қишлоқ усталари ёрдамида сиз кўриб турган музей қу-рилишини бошлади. Ниҳоят, бино қурилиши битган устоз Шўрчи, Денов, Олтинсой туман-ларидаги чет қишлоқлардан 2-3 минг йиллик тарихга эга бўлган осори-атиқаларни йига бошлади. Уларнинг кўпчилигини ўз шахсий жағфармаси ҳисобига сотиб олганини ҳам биламиз.

Мутақаллимизнинг илк йилида макта-бимиз қошида ташкил этилган музей расман очилди. Энг муҳими, шу пайтгача 3 мингга яқин нодир экспонат тўпланди. Бугунги кунда усто-зимиз ташкил этган бу музей нафақат макта-бимиз жамоасининг, Гулобод қишлоғининг, балки бутун олтинсойликларнинг фаҳрига ай-ланди.

Биз музей залларини айланб ундаги экс-

понатларни кўздан кечирар эканмиз, бир ки-шининг бунча ишларни амалга оширишга қан-дай вақт ва имкон топганлигига ҳайрон қолдик. Бу ерда тош ва бронза асридан бошлаб, то бугунги кунгача бўлган тарихий топилмалар, хўжатлар ўз аксини толган. Бу даргоҳ Сур-хон воҳаси тарихи ва келажагининг ажрал-мас бир бўлага сифатида унутилмас таассу-рот уйғотади. Музейнинг шифти эса шарқона услубда нақшкор безаклар ва устунлар билан жиҳозланган.

— Устозимиз тиниб-тинчимас инсон. У ки-шининг яна бир элга манзур бўлган иши музей-нинг орқа томонида 2-Жаҳон уруши қурбона-рига — 72 нафар олтинсойликлар хотирасига ёдгорлик ўрнатиши бўлди. Кўриб турганин-гиздек, уларнинг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган санаси мармарга ўйиб ёзилган. Бундан ташқари, бизнинг 9-мактабда ўқиган ва афрон урушида ҳалок бўлган, ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган икки аскарга Ҳабибулла усто-знинг югур-юғури билан биост қўйилган. Бу на-рсаларга устознинг вақти ва анчагина маблағи сарфланди, — дейди шу мактабнинг маъ-навият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Фарруҳ Назоров. — Энг муҳими, 2017 йил вилоятнинг собиқ ҳокими Эркин-жон Турдимов маблағ ажратишга кўмак берди ва музейни замонавий кўринишда капитал таъмирдан чиқаришга бош-қош бўлди. Му-зей юқори сифатли технологиялар билан жиҳозланди. Бу даргоҳга “Миллий қадриятлар ва ўлкашунослик тарих музейи” мақоми бери-либ, унинг расмий очилишида Э.Турдимов-нинг ўзи иштирок этди.

Бирор кун йўқки, мактабимиз қошидаги бу маскан ўқувчилар билан гавжум бўлмасин. Бу-гунги кунда мактабимизда 729 нафар ўқувчи 57 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради.



Уларнинг деярли барчаси Ҳабибулла Исма-туллаевнинг шоғирдлари ҳисобланади. Усто-зимиз тарих фанидан дарс ўтишда замонавий педагогик технологиялардан ташқари, ноанъ-анавий услублардан самарали фойдаланади. Ҳамкасбини мақтаяпти, деб уйламанг, у киши мактабларда тарих фанини ўқитиш бўйича 1500 дан зиёд тест саволларини тузиб чиққан. Дарс ишланмалари, “Тарих фанини ўрганишда мактаб музейларининг ўрни ва вазифаси” ус-лубий қўлланмаси вилоят педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш инсти-туту илмий кенгаши тавсияси билан чоп эти-либ, оммалаштирилган.

Халқ таълими аъlochиси Ҳабибулла Исма-туллаевнинг таржамаси ҳоли жуда оддий. У 1956 йилда Шўрчи туманининг Миршоди қи-шлоғида туғилган. 1979 йилдан буён ўзи ўқи-ган (собиқ 33-Мичурин номи) ҳозирги 9-мак-табда ўқитувчилик қилиб келади. 4 нафар кизи, 3 нафар ўғли, бир этак набиралари бор. Мак-таб қошидаги ўзи ташкил этган музей фаоли-ятини юритиш, ёшларга тарих фанидан дарс беришдан ташқари, ёшларга чақурувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан дарс беради. Бу борада ҳам яхши натижаларга эришганли-гини мактаб жамоаси ва туман халқ таълими бўлими масъуллари эътироф этишди.

Ҳабибулла аканинг сайё-ҳаракати билан мактаб жамоаси “Шунқорлар” ҳарбий спорт мусобақасига қатнашиб, вилоят босқинида биринчи, республика босқинида тўртинчи ўринни эгаллашган. У мутақаллимнинг 10 йиллиги кўркак нишони билан тақдирланган.

Сафар ОМОН, “Hurriyat” мухбири.

АНА ХОЛОС

# Мушук муриллайдимми ё хуриллайди

**Қайси ям йили таржимачлик муаммолари бўйича тайёрланган бир диссертацияни ўқиб беришимиз сўрашди. Салкам юз эллик бетлик иш билан танишиб чиқсам, ишонасизми, бир маҳаллар мен ёзган диссертациядан саҳифа-саҳифа кўчириб олибди-да, ундаги илмий-назарий гапларга бошқа мисолларни илова қилиб тайёрлабди азамат!**

Ўзининг биронта ҳам янги гапи йўқ. Муҳокама чоғи бу иш тамоман кўчирма эканини айтсам, йиғилганлар ханг-манг бўлиб, диссертантга юзланди. Шоввоз йигит эса бизларга қараб, ажабланган кўйи, савол берди: "Нима, кўчириш мумкин эмасми?"

Ўшанда биз кулган эдик. Ҳозир эса бу оддий гап бўлиб қолди. Эпини қилганлар кўчирипти, "ҳой, ноинсоф!" деб товуш чиқарган одамнинг уни учиряпти. Инсоф нима дегани, бунинг маъносини биладиганлар кам қолди.

"Bookmedianashr" деган бир наشريёт очилди, гарчи номи чулчулча бўлса-да, яхши иш бошлаб, "Жаҳон бестселлерлари" деган рунда Толстой, Достоевский, Чехов каби адабиёт даҳоларининг асарларини пайдарпай чиқаришга тушибди, ҳатто лугатлар ҳам чоп эта бошлабди.

Косхийди, дейсиз, бошқа наشريётлар ҳам олди-қочди романлару, ўзи қашшоқ адибларнинг "қанча қилса одам бойиб кетиши" ҳақида пултолар китобларини ҳадеб чоп этавермай, мумтоз асарларга шунақа эътибор берса.

Ана шуларни мулоҳаза қилиб, "Bookmedianashr" босиб чиқарган А.Чеховнинг, Ф.Достоевскийнинг бир хилда "Энг сара асарлар" деб номланган китобларни кўзимни чирт юмиб туриб сотиб олдим.

Нега, ё шу пайтагча бу асарларни ўқимаганмидингиз, дейсизми?

Ўқигандик, аммо Чехов ҳикояларини Абдулла Қаҳҳор, Мирзақалон Исмоилий каби машҳур адиблар, Достоевский романларини эса Иброҳим Ғафуровдай қалам усталарининг талқинида хатм қилган эдик-да. Бу гап эса ҳали номи унча танилмаган Шаҳноза Асад отли аёл Чехов ҳикояларини, Гулчехра ва Гулбаҳор Азимова деган хонимлар эса Достоевский романларини ўқириштипти. Таржима илмида, мумтоз асарлар ҳар бир янги даврда янги нағмо билан ўқилади, деган бир кўзқараш бор. Қўрайлик-чи, бу ёш қалам аҳллари шундай даҳо адиблар асарларини бизга қай тахлит тақдим этишган экан?

Бироқ уйга оқибди, юпка ялтироқ муқоваларидида майда ёзувларини ўқига, ҳафсалам совиб кета бошлади. Бир китоб муқоваси тепасига "Покой и довольство человека не вне его, а в нем самом. Антон Чехов" деган иктибос рус тилида битиб қўйилибди. Ажабо, энди Шекспир асарларини ўқирсак, ўзбекча китоб муқовасига инглиз тилида, Руставелини чоп этсак – грузинча, Тагор китоби устига ҳиндча бир балоларни ёзиб қўйишимиз керакми? Ё япону ҳитойлар ҳам китоб муқовасига Абдулла Қодирийнинг бирон гапини ўзбек тилида дарж этишадиган бўлганми?

Шу муқованинг ўзидаги "Кучуқчали хоним" дегани нима бўлса экан? Ўзбеклар итнинг боласини кучуқ дейди, аммо кучуқча дегани... кучуқнинг ҳам боласинми? Қолаверса, от етаклаган кишини ўзбеклар "отли одам" дейди, кўй хайдаган кимсани "қўйли одам" деб қақирмайди, ўглини эргаштирган кишини "ўғилли киши" деб атамайди, бу – ўзбек тилининг табиига ёт. Ундан кўра, ярим аср аввалги таржимани такоррлаб, "Лайча эргаштирган хоним", деб кўзқолсак, нима қилади?

Сотишга сотиб олиб, тўпламдаги ҳамма ҳикояларни бир бошдан ўқиб лаззатланишга тоб-тоқатим етмади, азизлар. Аслида ҳам, бир бош узумдан бир дон чўқилаб кўриб, мазаматрасига баҳо бериш мумкин, ҳаммасини

ейиш шарт эмас. Мен бир маҳаллар раҳматлик Исҳоқ Раззоқов Чеховнинг "Человек в футляре"сини сарлавҳасиданок "Ғилоф бандаси", дея қойилмақом қилиб ўғирган ҳикояни деярли ёдлаб олган, бу асарни минг йилгача эскирмайдиган дурдона деб билардим. Шунинг учун дастлаб, ўша ҳикояни қидириб топдим. Қарангки, ё мен билмай минг йилни ўтказиб юборибман, ё... яна билмадим – Шаҳноза Асад бу ҳикояни ўртамийена, ёзилган битмаёқ унутлишга маҳкум асар даражасига туширибди-қўйибди. Гарчи у ҳам ҳикояга "Ғилоф бандаси" деб ном қўйган бўлса-да (топқирлиқни қаранг!), бўғида ҳикоядаги ҳар бир русча сўзни тилимиздаги биринчи маъноси билан алмаштириб — ағдариб-тўнтариб ташлабди. Чунончи, "ворчатся" деганини биласиз, "вайсамоқ", "нолимоқ" бўлади. Аммо вазиятга қараб, бошқа сўзлар билан ўғирши ҳозим, албатта. И.Раззоқов бояғи ҳикоядаги "Собаки ворчались" деган жумлани "Итлар хура бошлади", деб берган бўлса, янги чиққан мутаржимнинг талқинига кўра, "Итлар вайсай бошлаган" эмиш.

Ана, билдингизми, вайсақи итлар ҳам бўлар экан оламда! Чеховнинг ўзи тирик бўлганда, дарров тан бериб, "хе ўша, таржимангга чучурдим!" деб айтган бўларди-ёв. Яна бир мисолда эса "унинг ёнида оқ мушук кулаб бўлиб ётар ва муриллар эди", дейилади. Нимага десангиз, бу мушук русча китобда айнан "мурлика" қилар экан-да.

Йўқ, Жон-жонворлар ҳар тилда бошқача товуш чиқаради. Ўзбекимнинг ити вовулласа, рус ити "гавкать" қилади, ухлаётган мушук бизда хурилласа, рус тилида "мурлика" этади, шу ҳам – миллийликнинг бир кўриниши.

Мен рассом эмасман. Шунинг учун бу соҳадаги ҳар турли найранглардан беҳабарман. Аммо айтишларча, кейинги чорак асрдан бери айрим усталомлар бирон пейзаж учун табиат баргига чиқиб, мольберт ўрна-тиб, бўёқ тайёрлаб, чизиб ўтирмас экан-да, ўша манзарани фотосуратга олиб, уйда диапроектор орқали мато юзига тушириб, сурат устини бўяб, осонгина "шедевр" асар яратиша бошлаган эмиш... Шунақа пейзажни санъат асари деб бўлади, билмадим. Бояғи мутаржим хонимлар ҳам шу усулга ўтиб олишганми, дейман – ой сайин бир-икки романи ағдариб ташлаётибди!

"Bookmedianashr" мутаржимларининг ботри қалами шарофати билан ўзбек тилига ўристашлит жумлалар кириб келяпти. Масалан, "Телба" (Достоевский) романидаги мана бу телба-тескари жумлаларни ўқига, персонажларни жиннисанги бир кимса бўлса керак, деб ўйлаб қолдим. Ахир, уларнинг гапини эшитиб кўринг-а:

"Демак, гап шундай, мен сизни нега қақирдим: сизга таклиф билдирмоқчиман, менинг дўстим бўлинг" (488). Ё тавбандан кетай, бунақа сўзлаган кишидан кўра, этигини пойма-пой киийиб юрганлар соғроқ ҳисобланмайдими?

Яна ким билади дейсиз, эҳтимол бу таржиман аёлларнинг қўлида ҳамма нарсани сўзма-сўз таржима қилиб ташлайдиган бирон компьютер дастури бордир? Йўқса, ҳали тўрттагина ҳикояни ҳам ўғириб кўрмаган бу хонимларга шундай катта романларни ҳаш-паш дегунча, ўқувчи қўлига етувчи қилиб ўғирмоқ, шундай дилбар ҳикоялар гулзорини пайҳон қилиб ташламоқ осон бўлтирми? Компьютер дастури деганимки, ёдингизда бордир — "Темир хотин" пьесасидаги Аломатхон Қўчқоровнинг отини эшитгач, миясидаги лугатни ишга туширади-да, кўчқорни "қўйнинг эркаги" деб талқин қилади. У-ку, бир темир хотин эди, аммо бу таржималардаги талқин ўшандан ҳам бешбаттар эканини яна янги-янги мисол-

ларни пеш қилиб исботлаш шартмикин?

Ахир, ўзингиз айтдинг, бирон лугатда ўрсининг "тринадцатъ" деган сўзи бошқа тилга "ўттиз" (тридцать) деб ўғирилганини кўрганмисиз? Бўлар экан. "Кавказ асири" ҳикоясидаги Жилган ва Костилин деган рус асирларига ёрдам берган Дина – ҳечам ун уч яшар қизалоқ эмас, аслида ўттизини уриб қўйган жувон бўлиб чиқди. Ишонмасангиз, ўқиб кўринг:

"Прибежала девочка – тоненькая, худенькая, лет тринадцати и лицом на черного похожа. Видно, что дочь."

Ана буниси эса шоввоз таржимон хонимнинг қаламидан чиққан:

"Озгингина, нозиккина, ўттиз ёшлар атрофида бўлган қиз югуриб келди. У қорачандан келган татарга ўхшарди. Қизи бўлса керак".

Демак, қизнинг ёши ўн учда бўлиши — хато, Толстой оқсоқол янглишган бўлиб чиқди. Бунақа "тўғрилаш"лар бўла бери, ҳаш-паш дегунча ўзбек адабиёти майдонидан Толстойнинг ўзи ҳам "ковуши тўғриланди" чиқиб кетиши ҳеч гап эмас...

Хўп, бу ёш қалам соҳибалари-ку, хато қилишибди, шошиб ўғиршибди, дейлик. Хўш, наشريёт муҳаррирлари-чи, улар ҳам шунчаки беларво бўлишадими? Ё, уларнинг савия-сажияси ҳам таржимонлар қатори бўлсамикин?

Шу савол билан китобларнинг сарварағига қарасам, аксарининг муҳаррири — Шариф Холмуродов деган одам бўлиб чиқди. Шариф акани яхши таниман — бир умр китоб дунёси ичиде яшаб келаятган ҳалол, камтар ва камсуқум, синчков бир муҳаррир. Хўш, унда... нега?

Минг андиша билан Шариф акага сим қоқиб, бу гапларнинг тагини суртирдим. Менинг кўнгиригимиз ҳам Шариф оқсоқолнинг фиғони фалакка чиқиб, жиғибийрон бўлиб юрган экан, ёрлиди. Бу "Bookmedianashr" деганлари ўнлаб китоб чиқариб, уларнинг кўпига "Муҳаррир — Шариф Холмуродов" деб битиб кўя берар экан.

"Қизик-ку, — дедим баттар ҳайрон бўлиб, — Муҳаррир сифатида маош олгандирсиз ёки гонорар беришгандирки, номингиз дарж этилди..."

"Йўқ, ундай эмас, — дебди оқсоқол ранжиб. — Мен бу китобларни чиқиб бўлганидан кейин кўрдим-ку. Пулини бермасаям гўрга, шу ёшгача ҳалол ишлаб келувдим. Энди булар туфайли номимга доғ тушадиган кўринади!"

"Адабиёт учқунлари", "Илм-зиё-заковат" сингари алмоий-алжойи, номиданоқ таъсисчиларнинг савияси маълум бўлиб турган яна баъзи бир наشريётлар бор. Буларнинг бири ёпилса, бошқаси шумғиядай бош кўтариб чиқиб кела бериши, қанча ҳалол қалам соҳибларининг бошини ерга этади.

Фақат Шариф Холмуродовни эмас, Шодмонкул Салом деган яхшигина бир шоиримизни ҳам булар "муҳаррир" ролига тайинлашган. У ҳам хуноб.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Таниқли адабиётшунос олимнинг қуюнчақлик билан битган мулоҳазалари билан танишингиз. Чиндан ҳам оғриқли масала, долзарб мавзу. Аммо ... тегилми мутасаддилар қандай чора қўраяпти?! Ахир "Hurriyat" ўтган икки йил давомида айнан "хом-хатала наشريёт"ларнинг оқоридигидек куракда турмас фаолиятлари бўйича бир неча бор чиқишлар қилди. Тегилми мутасаддилар муносабатини жимлик билан "изхор" қилишмоқда. Наҳотки, адабиётга китобхонликка, саводхонликка муносабат шу тарзда давом этаверса?!



Бу – Толстойни ҳам, Чехову Достоевскийларни ҳам бир пулга олмай, асарларини эса фақат пул олинмадиган манба, деб билган бир "уддабурро" ноширининг иши. Хўш, ким экан бундай валломат, шаҳарни бедарвокса билган, деб сўрасиз.

Мен бу наشريётни ким очганлиғию унинг ишларини юритаётган киши қай кимса эканлигини билмайман, танимаганим учун хусусатим ҳам йўқ.

Аммо... Ҳар ишнинг ўзи устаси бўлади, ҳар соҳанинги пири. Одам ишни шоғирд тушиб ўрнади, йиллар давомида устоз даққисини эшитиб маҳорат касб этади. Ахир, бир ҳунарнинг етук вақилига айланган, устозни унга фотихга бергач иш бошлайди. Бусиз эса ҳар мактабга йўрғалашга тушади. "Пуллик мактаб очмоқчиман, лицензия беринглар"; "шифокорлик қилгим келади, иложат керак", деган билан шу ишлар бўлиб қолади? Кўнгли, ўз йўлига. Қоғдага кўра, педагог бўлмасангиз — мактаб эшиги қаттақаб ёпик, беморни доволламайсиз — шифокорликка ўқиган бўлишингиз шарт.

Аммо нега энди истаган бир шахс наشريёт очмоқчи, газета ё журнал чиқармоқчи бўлса — оммага ахборот тарқатиш, маърифат ва маънавият, халқнинг билими ва савияси билан боғлиқ ниҳоятда масъулиятли бир ишни, истани борлиғи учун, унга йўлни кенг очиб бериш керак экан? Бир бўлмагур муаллим эликта болани чаласавод қилиши, бир нўноқ табиб юзта одамни нотўғри доволлаши мумкин. Аммо ўқимаган ношир минглаб ва ўн минглаб одамнинг онгу шуғурига заха етказишига, ахлоқини бузишига, савиясини пайсатирди, дидини ўтмаслаштиришига нега бефарқ қараймиз?

Шунинг учун ҳам менинг, бир фуқаро сифатида, фикрим шуки, газета, журнал таъсис этиш, наشريёт очиб ҳаракатидаги одам лоақил филологик маълумотга эга бўлишини талаб қилиш, бу соҳада тажриба ва кўнжмаси бор бўлсагина лицензия асосида иш очиб бериш лозим.

Аллаҳайки чет давлатнинг фалон соҳадаги "рейтинг жадалли"да пастрок ўринга тушиб қолмаслик, ишқилиб, азбаройи ҳар жабҳада "ўртадан қокори" рок мавзе эгаллаб туриш учун маданиятимиз эришган барча ютуқни барбод қилиб, маънавиятимиз илдиизига болта уради-гарбча ахлоқ ва қарашларни қабул қилар-версак, бир кун келиб, ўзи ўтирган шохга арра тортаётган кишининг ҳолига тушиб қолмаймиз?

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

МАЪНАВИЯТ

# Тарбия йўқ жойда...

## зўравонлик устунлик қилади

